

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАҚУЛОВ РУСТАМ

**Фойдаланиш даврида чўкувчан грунтлардаги
ирригация тизимлари гидротехника иншоотлари
ишончилиги ва хавфсизлигини ошириш**

05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Хўжакулов Рустам Фойдаланиш даврида чўкувчан грунтлардаги ирригация тизимлари гидротехника иншоотлари ишончилиги ва хавфсизлигини ошириш.....	3
Хужакулов Рустам Повышение эксплуатационной надежности и безопасности гидротехнических сооружений ирригационных систем на просадочных грунтах.....	31
Khujakulov Rustam Under the operational condition, improving the reliability and safety of hydraulic structures on subsiding soils	59
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	64

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

ХЎЖАҚУЛОВ РУСТАМ

**Фойдаланиш даврида чўкувчан грунтлардаги
ирригация тизимлари гидротехника иншоотлари
ишончлилиги ва хавфсизлигини ошириш**

05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.2. DSc/T250 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот - таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бакиев Машариф Рўзметович
техника фанлари доктори, профессор,
Қорақалпоғистон Республикасида
хизмат кўрсатган фан арбоби

Расмий оппонентлар:

Файзиев Хомитхон
техника фанлари доктори, профессор

Эргашев Рустам Рахимович
техника фанлари доктори, доцент

Салямова Клара Джаббаровна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги DSc27.06.2017.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871)- 237-22-67, 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: admin@www.tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий, 39, тел.: (+99871)- 237-19-45).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З. Султонов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А. Янгиев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д. проф.

О.Я. Гловацкий,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., проф.

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ирригация тизимларининг гидротехника иншоотлари (ГТИ) ни ишончилиги ва хавфсизлигини ошириш улардан фойдаланишнинг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан, ирригация тизимлари ГТИ чўкувчан грунтларда лойиҳалаш ва қуриш услубларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Чўкувчан лёсс грунтлар ер юзида кенг тарқалган бўлиб, лёссли жинсларнинг кўпчилик қисми Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам катта ҳудудларни эгаллайди. Бу борада, жумладан Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа ривожланган мамлакатларда чўкувчан грунтларда гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва қуришнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш, фойдаланиш даврида уларнинг ишончилиги ва хавфсизлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ирригация тизимларидаги ГТИ бузилишларини, ишдан чиқиш ва аварияларини ўрганиш, аниқлаш ҳамда бартараф этишга йўналтирилган мақсадли тадқиқот ишларини олиб бориш, ишланмаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан инновацион ривожланишнинг замонавий талабларига жавоб берадиган ирригация тизимларининг ишончилиги ва хавфсизлигини таъминловчи механизмни ҳамда режали-огоҳлантирувчи техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини ташкил этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозир республикада ирригация тизимларини чўкувчан лёсс грунтларда қурилган ва қурилаётган ГТИ ларни хизмат муддатини узайтириш, бузилиш ва ишдан чиқишдан бўладиган зарарларни камайтириш, шунингдек хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан сув ресурслари тақчиллиги даврида чўкувчан грунтлардаги ирригация тизимларининг гидротехника иншоотларини ишлашида рўй берадиган шикастланиш, ишдан чиқиш ва аварияларни шунингдек, кучланишли-деформация ҳолатларини ҳисобга олиш асосида лойиҳалаш ва фойдаланишнинг самарали рационал услубларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

“Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286 -сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405 сонли “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 13 -сон “2014-2015 йилларда ва истикболда 2020 йилгача сувларни Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотларнинг шарҳи² Ҳозирги вақтда дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетлари гидротехника иншоотларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини ошириш устида ишламоқдалар, жумладан Буюк Британия Қироллик институти, Энергетика ва савдо флоти бўйича муҳандис-курувчилар институти Комиссияси, Саноат қурилишини ахборотлаштириш ва тадқиқот қилиш Ассоциацияси (Буюк Британия), Фуқаролик қурилиши Департаменти, Остиндаги Техас университети, University of Wyoming (АҚШ), Delft university of technology (Нидерландия), Manjing Hydraulic Reserch Institute (Хитой), Indian Institute of Technology Roorkee (Ҳиндистон), The University of Queensland, School of Civil Engineering (Австралия), Springer Berlin Heidelberg (Германия), Россия давлат аграр университетининг А.Н.Костяков номи Мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиши институти (РГАУ-МСХА), Б. Е. Веденеев номидаги Умумроссия гидротехника илмий-тадқиқот институти, Санкт-Петербург техника университети, Москва давлат қурилиш университети (МГСУ-МИСИ), А. Кортунов номидаги Новочеркасск муҳандислик-мелиорация институти, Новочеркасск давлат мелиорация академияси, М. И. Платов номидаги Жанубий-Россия давлат политехника университети, Россия мелиорация муаммолари бўйича илмий-тадқиқот инс-

² Диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.taylorfrancis.com/9781315274898>; <https://agupubs.onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1029/WR019i006p01415>; <https://agupubs.onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1029/WR021i010p01463>; https://www.narcis.nl/publication/RecordID/oai:tudelft.nl:uuid%3A80625555-86fb-4fcc-967c_4fd3f4351fe; <http://en.cnki.com.cn/Articleen/CJFDTotal-ZDGC703.002.htm>; <https://www.taylorfrancis.com/books/e/9781315120584/chapters/10.1201/9781315120584-2>; <https://link.springer.com/book/10.1007%2F978-3-662-473313>; ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

титутти (Россия Федерацияси), Грузия гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институти (Грузия), Сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш Миллий университети (Украина), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент давлат техника университетида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий - тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

ГТИ ишончилиги ва хавфсизлиги даражасини оширишга доир жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: тўғон хавфсизлигини назарий концепцияси ва хавфни баҳолаш; сув тошқинлари ва сув омборлари хавфсизлиги, тўғон аварияси механизми, лойиҳавий мезонлар ишлаб чиқилган (Буюк Британия Қироллик институти; Саноат қурилишини ахборотлаштириш ва тадқиқот қилиш Ассоциацияси, Буюк Британия), ГТИ ишончилигини техник масалалари, баҳолаш услублари экспертизаси ишлаб чиқилган (University of Wyoming (АҚШ), ГТИ ишончилигини белгилаш муайян иншоотлар мисолида кўриб чиқилган (Delft university of technology, Нидерландия), ГТИ ишончилигини таъминлаш учун иншоот ҳолатини башорат қилиш ва диагностиканинг эксперт тизими таклиф қилинган (Мексика Миллий автоном университетининг муҳандислик институти), сув тошқинидан муҳофаза қилувчи ва қирғоқларни ҳимояловчи ГТИ ишончилиги ўрганилган (Австралия), ГТИни сейсмик ишончилиikka эга конструкциялари тадқиқот қилинган (Хитой), гидротехника объектларини ишончилиги, ижтимоий ва экологик хавфсизлигини асослаш (Б. Е. Веденеев номидаги Умумроссия гидротехника илмий-тадқиқот институти, Россия Федерацияси), гидроэнергетика иншоотлари ишончилиги ва хавфсизлиги муаммолари ва муҳандислик қидирув-тадқиқот ишлари (ОАО “Институт Гидропроект”), ГТИ ни фойдаланиш ишончилигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш (РГАУ-МСХА, Россия Федерацияси); Жанубий Федерал округ суғориш тизимлари нов каналлари техник ҳолатини башоратлаш ва баҳолаш (Новочеркасск давлат мелиорация академияси, Россия Федерацияси) тадқиқот қилишда маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Дунёда гидротехника иншоотлар ишончилиги ва хавфсизлигини баҳолаш ва ошириш, чўкувчан грунтларда иншоот ва заминларнинг биргалликда ишлаши, кучланишли-деформация ҳолатларини ҳисобга олиш учун ишлаб чиқилган тадбирларни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ГТИ лойиҳалашдаги муаммолар, техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатацияси, сув ресурслари билан боғлиқ лойиҳаларнинг экологик аспекти, ГТИ режалаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва бошқариш билан боғлиқ масалалар, айниқса иншоотлар ишончилиги билан боғлиқ атроф муҳит муҳофазаси, гидрологияга оид муаммолар, ГТИ ишончилигини ошириш бўйича лойиҳалаш тамойиллари ва амалий тавсиялар, иншоотлар хавфсизлигида кутилмаган ҳолатлар рўй бериши ва хавф таҳлили.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ирригация тизимлари ГТИнинг ишончлилиги ва хавфсизлиги муаммолари билан хорижда ва мамлакатимизда бир қатор олимлар, жумладан С.Ф.Аверьянов, И.П.Айдаров, Н.А.Анискин, М.Н.Багров, М.Р.Бакиев, М.И.Бальзанников, М.А.Бандурин, А.Б.Векслер, В.А.Волосухин, Е.П.Галямин, О.Я.Гловацкий, А.И.Голованов, А.Н.Горюнов, В.А.Гурин, И.А.Долгушев, В.А.Духовный, Н.Х.Зайнутдинова, С.В.Засов, Р.С.Ибатулин, В.В.Иванов, Д.А.Иваншинцев, Б.Д.Кауфман, Б.М.Кизяев, Е.И.Кириллова, Д.В.Козлов, Ю.М.Косиченко, И.П.Кружилин, Ф.В.Матвеев, Э.Ж.Махмудов, И.Э.Махмудов, Ц.Е.Мирцхулава, М.Ф.Натаљчук, И.И.Науменко, В.И.Ольгаренко, Л.Н.Рассказов, А.А.Рачинский, Ф.М.Рахимбаев, Ш.Х.Рахимов, Н.Н.Розанов, И.С.Румянцев, С.С. Савватеев, В.А.Солнышков, Д.В.Стефанишин, Х.Файзиев, В.М.Федоров, Н.Н.Фролов, Н.В.Ханов, В.В.Хегай, З.Х.Хусанходжаев, А.Л.Цырульников, В.В.Шабанов, Шакарна Салех, Г.И.Швецов, С.Г.Шульман, Р.Р.Эргашев, И.Ф.Юрченко, Х.И.Якубов ва бошқа олимлар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Нов каналлари ва улардаги иншоотлар ишончлилиги масалаларига М.Р.Бакиев, С.Ш.Зюбенко, А.Ф.Кобахидзе, В.А.Ковалев, А.В.Колганов, Ф.В.Кошулян, А.А.Миронов, Ц.Е.Мирцхулава, В.А.Невский, В.Н.Померанец, А.А.Рачинский, А.А.Созаев, Ю.А.Тевелев, А.Г.Шлаен ва б.қ.ларнинг ишлари бағишланган. Чўкувчан лёсс грунтлардаги ирригация тизимлари ГТИ керакли ишончлилик ва хавфсизлик даражасига эга бўлиши учун уларни заминлар билан ўзаро таъсирини инобатга олган ҳолда лойиҳалаш ва қурилиш услубларини такомиллаштириш талаб этилади. ГТИ конструкциялари ҳам бу хусусиятларни ҳамма вақт ҳисобга олавермайди.

Бу борада шу пайтгача кўп йиллик катта ҳажмдаги тадқиқотлар ўтказилганига қарамасдан, республикамизнинг мураккаб шароитида чўкувчан грунтлардаги ГТИ нинг фойдаланиш ишончлилиги ва хавфсизлиги бўйича ечилмаган бир қатор масалалар мавжуд. Айтиб ўтилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ГТИ конструкцияларини чўкувчан замин грунтлари билан бирга ишлаши ва ўзаро таъсирини ҳисобга олиб лойиҳалаш ҳамда қурилиш ишларини олиб бориш, иншоотларнинг фойдаланиш давридаги ишончлилиги ва хавфсизлигига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили, ишдан чиқишлар таснифи, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва турларини ўрнатиш, иншоотларнинг чўкишга сезгир бўлмаган конструкцияларини яратиш, каналлар ва иншоотларни лойқадан тозалаш, ГТИ ишончлилик кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш услубларини такомиллаштириш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти (ҚарМИИ) нинг илмий тадқиқот ишлари режасини № К-02-22 ”Қашқадарёнинг сув тақчиллиги шароитларида ерларни суғоришда сувдан фойдаланишнинг тежамкор ва самарали замонавий технологияларини ишлаб чиқиш” (2003),

ТИҚХММИ нинг №UB-ARS-20 ”Фойдаланилаётган гидротехника иншоотларининг ишончлилигини ўрганиш ва уларнинг хавфсизлигини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш” (2003-2005), № ОИД-1-14 “Қашқадарё вилояти суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шўрланишга қарши самарали усулларни тадбиқ қилиш”(2007-2008, ҚарМИИ), № ИТД 3-26 “Насос станцияларининг энергия ва сув тежамкор технологиясини сув қабул қилгичнинг янги конструкциясини қўллаш билан ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқот қилиш” (2013-2014,ҚарМИИ), № 5/2013 “Гидротехника иншоотларн ва насос станцияларида илмий-тадқиқот масалалари ечими самарадорлигини ошириш” (2013-2017, ҚарМИИ) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чўкувчан грунтлардаги ирригация тизимлари гидротехникаа иншоотларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш услубларини такомиллатиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чўкувчан грунтлардаги ГТИ ишончлилиги ва хавфсиз ишлаши хусусиятларини ўрнатиш;

кучланишли-деформация ҳолати (КДХ)ни чўкувчан заминли ирригация тизимлари ГТИнинг ишончлилик ва хавфсизлигини таъминловчи омиллардан бири сифатида тадқиқот қилиш;

чўкувчан заминлар намланишини кучланишларнинг грунтларда ва ГТИ элементларида қайта тақсимланишига ва пировард натижада ГТИ ишончлилиги ва хавфсизлигига таъсири;

чўкувчан грунтлардаги нов каналларини фойдаланиш давридаги ишончлилиги ва хавфсизлигига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили;

чўкувчан грунтлардаги ГТИ фойдаланиш давридаги ишончлилигини баҳолаш ва уларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини ошириш бўйича тадбирларни белгилаш;

чўкувчан грунтлардаги ГТИ қурилиш технологиясини ва фойдаланиш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш бўйича амалий ечимларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектлари сифатида Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Нишон ва Косон туманлари) ва Угам ирригация тизимларининг суғориш каналлари ва улардаги ГТИ олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида мавжуд ГТИ чўкувчан лёсс заминлари билан биргаликдаги ишлаши, ирригация тизимлари ГТИ ни ишончлилик ва хавфсизлик кўрсаткичлари ҳамда чўкувчан грунтларда ГТИ нинг фойдаланиш давридаги ишончлилиги ва хавфсизлигини ошириш бўйича тадбирлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари.Тадқиқотлар жараёнида чўкувчан лёсс заминлар деформациясини ҳисоблашни назарий услублари, экспериментал натижаларни статистик қайта ишлаш, ГТИ ни чўкувчан заминларида инфильтрация намланишини моделлаштиришдан фойдаланилди, ишончлилик кўрсаткич-

лари математик статистика ва ишончлилик назариясига асосланиб аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нов каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларинини фойдаланиш давридаги ишончлилиги ва хавфсизлиги билан, чўкувчи лёсс заминларининг кучланишли-деформация ҳолати ўртасидаги боғлиқлик грунтнинг турлича намлик даражаси, кучланишнинг ҳар-хил қийматлари, уларнинг тарқалиш чуқурлигини ҳисобга олиб ўрнатилган;

кучланишларнинг “иншоот-замин” тизимида тақсимланиши ва нов каналлари ва улардаги гидротехника иншоотлари ишончлилигига таъсирини баҳолаш усули чўкувчан заминлар намланишини инобатга олиб такомиллаштирилган;

фойдаланиш давридаги ишдан чиқиш ҳақида статистик маълумотлар тўплаш ва уларга ишлов бериш асосида чўкувчан грунтлардаги каналлар ва улардаги гидротехника иншоотларининг ишончлилиги ва хавфсизлигини микдорий кўрсаткичларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

нов каналларини фойдаланиш даврида заминларини чўқиши натижасида рўй берадиган ишдан чиқишлар ва носозликлар ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш асосида улардаги чўқишларни олдини олиш имконини берадиган зичлаштирилган котлованлардаги пойдеворлар билан куриш технологияси такомиллаштирилган;

кувурли сув ўтказгич иншоотининг чўкувчан грунтлардаги каналларда иншоот заминига таъсир этувчи узоқ муддатли инфилтрацияни ҳисобга олиб янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

нов каналларининг баландлиги ростланувчи таянч конструкцияси замин грунтлари чўкувчанлигини, тиклаш-таъмирлаш қурилмаси кам вақт ва меҳнат сарфлашни, лойкадан тозалаш қурилмалари қўл кучини камайтиришни инобатга олиб такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чўкувчан грунтлар ва ГТИ биргаликда ишлаши қонуниятларини аниқлаш натижасига асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди ва ГТИ лёсс заминларини ҳисобий инфилтрация тавсифларини олиш имконини берадиган дала модель синовлари услубияти таклиф этилди;

ГТИ фойдаланиш давридаги ишончлилигини баҳолаш ва ҳисоблашнинг янги услублари ишлаб чиқилди, нов каналлари ва улардаги иншоотларда ишдан чиқиш, носозликларни рўй бериш хусусиятларини тавсифловчи синфланиш таклиф этилди;

ГТИ чўқишини бартараф этувчи чўкувчан грунтлардаги сув ўтказиш иншооти янги конструкцияси ва нов каналларни зичлаштирилган котлованлардаги пойдеворлар билан куриш технологиялари ишлаб чиқилди;

новларнинг ростланувчи таянчларининг чўқишга қарши конструкцияси таклиф этилди ҳамда нов каналларда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ўтказиш учун қурилмалар ишлаб чиқилди;

ишдан чиқиш, носозлик ва шикастланишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда бу билан уларнинг ўртача тикланиш вақтини қисқартириш орқали тизимнинг ишончилиги ва хавфсизлигини оширишга хизмат қилиш имконини берадиган нов каналларни ишчи ҳолатини таъминловчи қоидалар ишлаб чиқилди;

фойдаланиш даврида ирригация тизимлари гидротехника иншоотларида рўй берадиган ишдан чиқиш, носозликлар сабаблари ва турларини аниқлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, унда ишдан чиқишларнинг белгилари, кўринишлари ва бартараф этиш йўллари, иншоотларнинг ишлашини назорат қилиш ва ҳисобга олиш шакллари тўлдириш намуналари кабиларнинг келтирилганлиги иншоотларни тиклаш-таъмирлаш ишларига кетадиган вақтни тежаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг адекватлигига асосланади, диссертацияда шакллантирилган илмий ишланмалар, хулоса ва тавсиялар берилган кўламда бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган маълум натижаларга қарши эмас, уларни кенгайтиради ва тўлдиради, олинган натижаларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилишда маълумотларни қайта ишлашнинг ва статистик таҳлилнинг замонавий услубларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ГТИ нинг чўкувчан лёсс заминлари билан ўзаро таъсири қонуниятларини назарий ва экспериментал асослаш ҳамда уларни қуриш ва фойдаланишга топшириш даврида ўзаро деформацияларни ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш, ирригация тизимлари ГТИ нинг чўкувчан грунтларда ишончли ва хавфсиз ишлаши бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юзага келадиган кучланишли-деформация ҳолати, чўкиш ҳодисаларини камайтириш, ГТИ ни ишчи ҳолатида сақлаш, чўкувчан грунтларда сув ўтказиш иншоотининг янги конструкцияси, чўкувчан грунтларда ирригация тизимлари ГТИ ни фойдаланиш давридаги ишончилиги ва хавфсизлигини ошириш ҳисобига қурилиш ва фойдаланиш даври харажатларининг камайиши ҳамда иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чўкувчан грунтларда ирригация тизимлари гидротехника иншоотларининг фойдаланиш давридаги ишончилиги ва хавфсизлигини ошириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

нов каналлари ва улардаги иншоотлар билан чўкувчан лёсс заминлари ўртасидаги ўзаро таъсир, кучланишли-деформация ҳолатини грунт намланиши, кучланишлар тарқалиш чуқурлиги ва юклама катталигига боғлиқлигини ўрнатиш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан Нишон ва Косон туманларидаги нов каналлари ва улардаги иншоотлар учун жорий

этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 07.10.2019 йилдаги №03/25-3866 сонли маълумотномаси). Натижада чўкиш оқибатида рўй берадиган деформацияларни 20-30 % га бартараф этишнинг имконияти пайдо бўлди;

чўкувчан грунтлардаги каналларда сув ўтказиш иншоотини янги конструкциясига интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (“Чўкувчан грунтларда сув ўтказиш иншооти”, №1717700). Натижада иншоотни ишлаш ишончилигини ошириш имконияти яратилади, бу эса битта иншоотда фойдаланиш харажатларини 25-30% гача камайтириш имконини беради;

нов каналларини ва уларнинг зичлаштирилган котлованлардаги пойдеворларини қуриш технологияси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан Нишон ва Косон туманларидаги нов каналлари ва улардаги иншоотлар учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 07.10.2019 йилдаги №03/25-3866 сонли маълумотномаси). Натижада нов каналларининг ишончилиги ва ишлаш самарадорлиги 8-10% га ошириш имкони яратилган.

нов каналининг узунлиги бўйлаб лойқа чўкиш жадаллигини камайтириш, дюкер-ўтказгич иншооти қудуқларини лойқа ва оқизиклардан тозалаш, нов каналларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун қурилмалар Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан Нишон ва Косон туманларидаги нов каналлари ва улардаги иншоотлар учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 07.10.2019 йилдаги №03/25-3866 сонли маълумотномаси). Натижада нов каналларида лойқа чўкиш ҳажми 25-30% га камайиши, таъмирлаш-тиклаш ишларига сарфланадиган вақт 25-30% га ва фойдаланиш харажатлари 15-20% га камайиши имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 10 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 62 та илмий ишлар чоп этилган. Улардан 3 та монография, 1 та ихтиро жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган, мазкур нашрларда диссертацияда олинган натижалар тўлиқ баён этилган. Шунингдек, илмий тадқиқот иши натижалари 2 та дарслик таркибига киритилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари ҳақида маълумотлар ёритилган, бажарилган тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий зарурияти ҳамда аҳамиятлари баён этилган, натижаларининг жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича қисқа маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ирригация тизимларининг гидротехника иншоотларини фойдаланиш ишончлилиги ва хавфсизлиги муаммоларини ўрганилганлиги таҳлили»** деб номланган биринчи бобда ГТИ, шу жумладан нов каналлардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, чўкувчан грунтлардаги ирригация тизими гидроиншоотларининг қўлланилаётган конструкциялари ва заминларини қуриш услубларига тавсиф берилган.

Лёсс грунтлар чўкувчанлигини ГТИ ишончлилигига таъсири ўрганилганлиги ва ирригация тизимларида ишонччилик назариясини амалий қўлланилиши кўриб чиқилган.

Чўкувчан лёсс заминларидаги ГТИ ни лойиҳалаш, қуриш услублари ва конструкциялари Абелев Ю.М., Абелев М.Ю., Ананьев В.П., Аскарлов Х.А. Бакиев М.Р., Балаев Л.Г., Белоусов С.В., Будикова А.М., Галай Б.Ф., Гринь Н.Н., Докин В.А., Докин Д.В., Жакапбаева Г.А., Гольдштейн М.Н., Григорян А.А., Денисов Н.Я., Замарин Е.А., Засов С.В., Каганов Г.М., Казакбаев К.К. ва Адиллов И.А., Кириллов А.А., Комилов О.К., Крутов В.И., Ломизе Г.М., Мавлянов Г.А. ва Пулатов К.П., Мирсаидов М.М., Мустафаев А.А., Рашидов Т., Савватеев С.С., Сяямова К.Д., Сквалецкий Е.Н., Суринов В.А., Фролов Н.Н., Черепанов Б.М., Цытович Н.А., Швецов Г.И., Юрченко С.Г. ва бошқа муаллифларнинг ишларида кенг ёритилган.

Чўкувчан лёсс грунтлардаги ирригация тизимларининг ГТИ қуриш ва фойдаланиш амалиёти шуни кўрсатадики, агар иншоотлар тўғри лойиҳаланса ҳамда қурилиш ишлари сифатли бажарилганда ҳамда улардан фойдаланиш тталаб даражасида ташкил этилса, улар ишдан чиқмасдан ва хавфсиз ҳолатда белгиланган хизмат қилиш муддат ичида ишлашга қобилиятлидир.

Шу билан бир қаторда, айти пайтда ҳам чўкувчан грунтлардаги фойдаланилаётган ирригация тизимлари ГТИ да ишдан чиқишлар ва авария ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бу ҳолат шундай иншоотларнинг чўкувчан лёсс заминлари билан биргаликда ишлаш хусусиятларини аниқлаштириш асосида фойдаланиш даврининг тажрибаларини ҳисобга олиб уларни лойиҳалаш ва қурилиш усулларини янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Ана шу мақсадда биз Қарши чўлидаги Нишон ва Косон туманларида ҳамда Угам ирригация тизимининг каналлари ва улардаги иншоотларни лёсс грунтли замин билан биргаликда ишлашини, шунингдек узоқ муддатли

фойдаланиш даврида ГТИ ва уларни ташкил этувчи элементларни техник ҳолати ва ишончилигини тадқиқоти шартлашди.

Нов каналлари ўзининг кўп афзалликлари сабабли олдинги асрнинг 60-йилларидан бошлаб бизнинг мамлакатимизда ҳам кенг қўлланила бошланди, уларнинг самарадорлиги сўзсиз ва исбот талаб қилмайди (ҳозирги даврда республика бўйича уларнинг узунлиги 17 минг км атрофида). Шу билан бир қаторда, Қарши чўлидаги чўкувчан грунтларда қурилган нов каналларини ишлаш самарадорлиги етарлича ўрганилмаган. Олиб борилган тадқиқотлар улардан фойдаланиш даврида кўп сонли бузилишлар ва ишдан чиқишлар борлигини кўрсатди. Буни қаралаётган ҳудуднинг иқлим ва геологик шароитларининг хусусиятлари билан боғлаш лозим. Минтақада вақт давомида ҳароратнинг кескин ўзгариб туришлари, замин грунтларининг кучли чўкувчанлиги иншоотлар элементларининг ишончилиги ва чидамлилиги анча пасайтиради.

Ўрганилаётган масала ҳолатининг таҳлили Қарши чўли зонасидаги нов каналларини ишлаш самарадорлигини оширишнинг муайян йўллари белгилаш имконини беради.

Биринчи бобда келтирилган чўкувчан грунтлардаги ГТИ ишлашини ўрганиш юзасидан олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотларнинг қисқача таҳлили шуни кўрсатдики, улар катта ҳажмда бажарилганлигига қарамадан, ҳали бир қатор етарлича ўрганилмаган саволлар мавжуд. Уларнинг таркибига ГТИ ва заминларнинг биргаликдаги деформациялари катталигига иншоотларнинг конструктив ечимлари таъсири, шунингдек, грунт массивига уларнинг ўзаро таъсири хусусиятлари (заминнинг намланишида кучланишли-деформация ҳолатининг ўзгариши) ни киритиш ўринли бўлади.

Бажарилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра ва мамлакатимизнинг мураккаб иқлим, геологик ва гидрогеологик шароитларида ГТИ ишлаш хусусиятларидан келиб чиқиб, ирригация тизимлари ГТИ фойдаланиш ишончилиги ва хавфсизлигини ўрнатишнинг услубларини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида мазкур диссертация ишининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

«Гидротехника иншоотларининг ишончилиги ва хавфсизлигини чўкувчан грунтларда кучланишли-деформация ҳолатини ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш йўли билан ошириш» мавзусидаги иккинчи бобда ГТИ чўкувчан грунтларда кучланишли-деформация ҳолатини экспериментал тадқиқотлари натижалари келтирилган.

ГТИ флютбетлари моделлари остидаги чўкувчан асосларнинг кучланишли-деформатив ҳолатининг дала тадқиқотлари Қарши чўлининг жанубий-ғарбий ва шимолий-шарқий қисмидаги минтақа учун типик бўлган тўртта участкада ўтказилди. ГТИ ҳақиқий кучланишли - деформатив ҳолатини аниқлаш учун чўкувчан грунтларнинг ҳар хил намланиш шароитларида штампли синовлар ўтказилди.

Синовлар иншоотларнинг юзаси 2 м² гача ва тўғри тўртбурчакли ҳамда айлана шаклидаги қаттиқ штамплар шаклида бажарилган флютбет моделларидан фойдаланиб амалга оширилди. Синов даврида моделга 0.2 МПа гача юкланиш берилиб, унинг замини грунтларида намланиш даражасида турлича бўлганда кучланишлар ўзгариши кузатиб борилди.

Айлана ва квадрат шаклидаги штампларнинг маркази остидаги табиий намланган грунтдаги замин чуқурлиги бўйича кучланишларининг тақсимланиши 1 - расмдаги 1-эгри чизик ва 2-расмдаги 1-эгри чизик билан тасвирланган. Штамп ва замин грунтининг туташуш нуқтасида кучланишлар тақсимланишини нотекислигини қайд этиб ўтиш лозим.

Замин грунтининг табиий намлигида фаол қатламнинг нисбий чуқурлиги билан модел ва замин туташуш жойидаги ўртача босим ўртасидаги боғлиқлик 3-расмда келтирилган (1-эгри чизик).

Зичланган суглинокли грунтларда ўтказилган штампли синовлар натижасида ўрнатилган замин грунти чуқурлиги бўйича тик кучланишларни ўзгаришини тавсифлайдиган боғлиқлик $H_{фаол} = f(P)$ 1-расм (3-эгри чизик)да ифодаланган. Заминнинг ушбу грунти бир хил тузилишга эга эканлиги билан тавсифланади ва бу ҚМҚ 2.02.02-98 бўйича ҳисобланган кучланиш қийматларига яқин катталиқни олишга замин бўлиб хизмат қилади.

Фаол қатлам чуқурлиги сифатида чегаралари ичида месдоз (динамометр) кўрсаткичлари 0.01 МПа дан ошқ бўлган зона қабул қилинган. Ўлчашларнинг бундай аниқлик даражаси тажрибаларда қабул қилинган асбобларнинг тавсифи билан изоҳланади.

Бизнинг ўтказган тажрибаларимиз маълумотлари бўйича қурилган боғлиқлик 3-расмда (1- эгри чизик) тасвирланган. Бу натижалар тадқиқотчи С.В.Засов томонидан олинган маълумотларни тасдиқлайди ва ушбу боғлиқлик танлаб олинган нуқталар усули бўйича олинган қуйидаги математик ифодага эга:


$$P = 0,060\left(\frac{H_{фаол}}{d_m}\right)^2 + 0,020\left(\frac{H_{фаол}}{d_m}\right) + 0,01\text{МПа} \quad (1)$$

бунда P – ГТИ флютбети модели (штамп) ва унинг замини контактидаги ўртача босим.


Фаол зона чуқурлигини штампга қандайдир берилган юкламада аниқлашни қулайлик учун (1) тенгламадан олинган 3-расмдаги айнан 1- эгри чизикни тавсифлайдиган (2) ифодадан фойдаланиш қулайроқ:

$$H_{фаол} = d_m \left(\sqrt{15,2 P - 0,019} - 0,189 \right) \quad (2)$$


3-расмдаги 2-эгри чизик ҚМҚ 2.02.02-98 кўрсатмаларига мувофиқ қурилган. Расмдан грунтнинг табиий намлиги ва заминнинг (суглинок) грунти зичлангандан сўнгги ҳолатида олинган 1- ва 2-эгри чизиклар тавсифи



1-расм . Замин чуқурлиги бўйича кучланишлар тақсимланиш графиги



2-расм.Тик кучланишларнинг турли хил намликда
замин чуқурлигига боғлиқлиги



3-расм. Штампа бўладиган солиштирма кучланиш билан фаол зона чуқурлиги ўртасидаги боғланиш

бир-бирига ўхшашлиги кўриниб турибди. Айлана шаклидаги модель (штамп) флюотбетига солиштирма юкламага нисбатан фаол қатлам чуқурлиги боғлиқлиги 2-расмда келтирилган.

Ушбу ишда таклиф этилган ҳисобий боғлиқликлар замин грунтларини турли хил намланиш даражасида фаол қатлами чуқурлигини аниқлаш ва кучланишларни тақсимланиш тавсифига аниқлик киритиш имкониятини беради.


Чўкувчан заминдаги α бурчак билан белгиланган грунт деформацияланиш зонаси сиқувчи босим таъсирида чегараланади ва грунт намлиги билан боғлиқлик графиги штамп синовлари натижаларига кўра тузиб олинди (4-расм).

Штампли синовлар ўтказишда Россия давлат аграр университети (РГАУ-МСХА)нинг А.Н.Костяков номидаги мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиши институти (МГМИ) томонидан Н.Н.Фролов, С.В.Засов ва В.А.Докинлар муаллифлигида яратилган қурилмадан фойдаланилди, бунда грунтга босим $P = 0,05-0,2$ МПа га тенг бўлди.

Синовлар пайтида штамп заминидаги деформациялар кузатиб борилди ва улар грунтга босим маълум бир қийматга етганда ётиқ деформациялар ҳосил бўлишини тасдиқлади. Бу қиймат моделнинг ўлчамлари ва замин грунтлари хоссаларига боғлиқлиги аниқланди, ушбу қийматдан кичик

босимда тик деформа циялар юзага келишини эътироф этган ҳолда, заминда ётиқ силжишлар рўй бермаганлиги қайд қилинди.

$$y = -0,0227x^2 + 0,5705x + 27,507 \quad R^2 = 0,887$$



- – МГМИ қурилмаси билан ишлаш натижалари бўйича;
- + – штампли синовлар натижалари бўйича.

4-расм. а бурчагининг грунт намлигига боғланиш графиги

Шундай қилиб, штампли синовлар олиб борилишидаги ҳисобланган ва олинган айрим натижаларнинг бир-бирдан фарқлигини лёсс грунтларнинг дисперсли анизотропли мухитдан тузилиш хусусиятга эга эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўтказилган экспериментлар шуни кўрсатдики, кам намланган лёссли грунтларда умумий қабул қилинган услубият бўйича фаол зонани ҳисоблашда иншо-отнинг замини сифатида бу грунтларнинг хусусиятларини эътиборга олиш зарур. Таклиф этилган ҳисобий боғланишлар кам намланган

лёссли грунтларда қурилган иншоотларнинг заминларидаги фаол зичланадиган зона чуқурлигини ва улардаги кучланишларнинг тақсимланиши хусусиятларини аниқлаштиришга имкон беради.

«Чўкувчан грунтларда нов каналларнинг ишончилиги» номли 3-бобда экспериментлар ўтказишни режалаштириш, нов каналларини фойдаланиш давридаги ишончилигига таъсир этувчи омиллар таҳлили, нов каналлари ва улардаги иншоотлар ҳамда элементларининг техник ҳолатини тадқиқот қилиш натижалари баён этилган. Турли хил ўлчамли новлардан ташкил топган нов каналлари ни ишончилик кўрсаткичлари тармоқнинг барча элементларини ҳисобга олиб аниқланган, тармоқни ишлаш ишончилигини баҳолаш услуби келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида Қарши чўлининг “Туркманистон” массивида комплекс дала тадқиқотлари олиб борилди, бунда ишдан чиқиш, шикастланиш ҳақидаги маълумотларни тизимли равишда қайд этиш, ҳисобга олиб бориш ва таҳлил қилиш, уларнинг тавсифи ва сабабларини ўрганиш, каналларининг ишчи ҳолатини тиклаш-таъмирлаш ишлари ва техник хизмат кўрсатишнинг хронометражи ҳамда тармоқ техник ҳолатини визуал ва асбоблар ёрдамида баҳолаш амалга оширилди.

Асбоблар ёрдамида ўлчаш ишлари таркибига нов бортларини ёйилишини индикаторли чизғич, новларни эгилишини нивелирлаш, геометрик ўлчамларни ўлчаш, конструкцияларни ультратовушли асбоб билан мустаҳкамлигини аниқлаш, сув сарфини ўлчаш кабилар киритилди.

Нов каналларини фойдаланиш давридаги ишончилигига турли омиллар таъсир кўрсатади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра ва бошқа минтақаларда олиб борилган тадқиқотлар тажрибасидан келиб чиқиб, омиллар синфланиши амалга оширилди.

Нов каналларини техник ҳолатини тадқиқот қилиш натижасида уларда учрайдиган ишдан чиқишлар ва носозликларни фойдаланиш муддатига боғлиқ ҳолда рўй бериши ва йиллар давомида ўзгариши бўйича синфланиши амалга оширилди.

Новлар бетони бузилиши одатда сув сатҳида, бирлашган жойларда, шунингдек нов деворларини юқори участкаларида микроёриқлар пайдо бўлишидан бошланади. Дастлабки микроёриқлар одатда биринчи 3-4 йилларда пайдо бўлади ва кейинги йилларда уларнинг ривожланиши ва сувнинг сизиб ўтиши, сўнгра новнинг бузилишига олиб келади.

Турли хил йилларда фойдаланинаётган нов каналлари бетонини мустаҳкамлигини текширишлар шуни кўрсатдики, ишлаш муддати 5 йил бўлган ва ёриқлар, нуқсонлари мавжуд новларда мустаҳкамлик сезиларли даражада камайган.

Нов каналларини асбоблар билан кўриқдан ўтказиш натижалари таҳлиliga асосан уларни алмаштиришнинг мақбул муддатлари ўрнатилди.

Тадқиқот объектида нов каналлари тармоғининг фойдали иш коэффициенти аниқлаб борилди ва тармоқ бўйича бу кўрсаткич 0,79 га тенг бўлди, бу қиймат нов суғориш тармоғининг техник ҳолати талаб даражасида эмаслигидан филтрацияга (уланиш чоклари, ёриқлар, ўйиқлар ва ш.к.) сув кўп исроф бўлишидан далолат беради.

Ўтказилган таҳлиллар юзага келиш хусусиятларини тавсифловчи ва каналларни тўхтовсиз ишлаши хавфсизлигини, шунингдек уларни бартараф этиш мураккаблигини тавсифловчи ишдан чиқишлар классификациясини ишлаб чиқиш имконини берди.

Нов каналларини фойдаланиш йиллари бўйича ишдан чиқиш, шикастланиш ва носозликлари ўрганиб чиқилди (1-жадвал).

Фойдаланиш даврининг дастлабки йилларида, ишга тушиш даврида нов каналининг ишдан чиқишлари сони барча техник тизимларда кузатилгани сингари катта қийматга эга. Бу қурилиш-монтаж ишларининг сифати, паст сифатли новлар ва бошқа элементларни қўлланиши, конструкцияларни тайёрлаш технологиясида йўл қўйиладиган камчиликлар (масалан, Қарши чўлини кескин континентал иқлим шароити учун мустаҳкамлик ва совуққа чидамлилик кўрсаткичларини талаб баражасида таъминламаслик)ни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Кейинги йилларда ишдан чиқишлар сони камаёди ва маълум бир доимий тавсифга эга бўлади. Бу давр фойдаланиш даврининг меъёрлашган (нормал) даврига тўғри келади. Бу эксплуатациянинг меъёрий даврига мос келади.

Фойдаланиш даврининг 15-16 йилларидан бошлаб нов каналларида ишдан чиқишлар сони орта боради ва бунга бошқа сабаблар қаторига тизим конструкцияларини эскириши, емирилишини ҳам киритиш ўринли бўлади.



1 - жадвал

Нов каналларини йиллар бўйича ишдан чиқиш солиштирама сони

Канал номи	Ишдан чиқишлар солиштирама сони, дона/км											
	1	3	5	7	9	11	13	15	17	19	21	24
4-X-2	0,51	0,44	0,36	0,22	0,15	0,15	-	0,07	0,22	0,22	0,44	0,36
4-X-3, 4-X-4	0,50	0,62	0,50	0,13	0,25	-	0,13	0,13	-	0,38	0,25	0,50
4-X	0,57	0,38	0,38	0,25	0,19	0,13	0,13	0,19	0,19	0,25	0,19	0,43
4-X-5, 4-X-7	0,56	0,41	0,36	0,21	0,16	0,16	0,10	0,16	0,10	0,26	0,31	0,47
4-X-6	0,53	0,35	0,29	0,18	0,12	0,18	0,18	0,12	0,24	0,24	0,47	0,41
Ўртача	0,53	0,44	0,38	0,19	0,18	0,15	0,14	0,13	0,19	0,27	0,33	0,43

Бу давр ишончлилик назариясида фойдаланиш даврининг эскириш даври деб кўрсатилади.

Нов каналларини элементлари ўртасида ишга тушиш ва нормал фойдаланиш даври босқичларида ишдан чиқишларни тақсимланиш графиклари 5, а ва б расмларда тасвирланган. Графикдан кўриниб турибдики, каналнинг элементлари ичида энг кўп ишдан чиқишлар новларда ишга ту-



а) ишга тушиш даври; б) нормал эксплуатация даври;
 1-новлар; 2- таянч ва пойдеворлар; 3-уланиш чоклари; 4-сув чиқаргич;
 5-димлаш иншооти; 6-дюкерлар; 7-сув тақсимловчи иншоот; 8-нов каналлар
 бурилишлари; 9-новлардан қувурларга ўтиш жойи

5-расм. Нов канали элементлари ўртасида ишдан чиқишлар тақсимланиши

шиш даврида (47,0%) ва нормал фойдаланиш даврида (21,0%) кузатилад экан. Таянчларда тегишли равишда бу кўрсаткич 16,0 % ва 20,0% ни, иншоот чокларида эса тегишлича 23,0% ва 29,0% га тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар тармоқнинг энг заиф нуқталарини кўрсатган ҳолда, уларга эътибор кўпроқ қаратилиши зарурлигини таъкидлайди.

Нов каналларини ишлаш давомийлигини ҳисоблаш тармоқнинг ишдан чиқиш оқими параметрлари $f(t)$ ни аниқлаш имконини берди ва бу кўрсаткич эксплуатациянинг дастлабки 3 йили учун $0,61 \cdot 10^{-4} \dots 0,42 \cdot 10^{-4} 1/(\text{соат} \cdot \text{км})$ ни ва қаралаётган 24 йиллик эксплуатация даври учун $0,32 \cdot 10^{-4} 1/(\text{соат} \cdot \text{км})$ га тенг бўлди (6 - расм) ва бу маълумотлар асосида ишдан чиқишлар оқим параметри тузиб олинди.

Ишдан чиқиш маълумотларига статистик ишлов бериш натижасига асосан тармоқнинг ишдан чиқмаслик эҳтимоли тақсимланишини тажриба ва назарий функциялари эгри чизиқлари чизиб олинди (7-расм). Ишдан чиқмаслик вақти тақсимланиши экспоненциал қонунга бўйсунуши аниқланди:


$$P(t) = e^{-\lambda t} \quad (3)$$

бунда λ – экспоненциал тақсимланиш параметри.

Бу қонунга бўйсунувчи ишдан чиқишлар оқими вақт ўзгаришига деярли бўйсунмайди, яъни

$$\lambda(t) = \text{const}$$

Нов каналини 1 км учун (λ) параметри $0,106 1/\text{йил}$, ишдан чиқиш ўртача оралиғи $t_{\text{ўрт}} = 9,3$ йилга тенг бўлди.



● - Лр-60 новлари; ▲ - Лр-80 новлари; ■ - Лр-100 новлари

6-расм. Нов каналлари ишдан чиқишларининг параметри

Нов каналлари шикастланиши ва ишдан чиқишлари ҳақидаги маълумотлар асосида бажарилган ҳисоблар тадқиқот объекти ва Қарши чўлидаги барча каналлар учун турли типдаги новлар ва бошқа эҳтиёт қисмларнинг талаб этиладиган миқдорини аниқлаш имконини беради.

Нов каналлари ишлаш ишончилиги таъмирланишнинг муддати билан тавсифланадиган таъминланишга яроқлилик кўрсаткичи билан ҳам аниқланади. Маълумки, нов каналларининг ишончилилик назариясига асосан тикланадиган тизимлар қаторига кирганлиги сабабли, ишдан чиқишларни бартараф этиш давомийлигини қисқартириш яъни тармоқни ишлаш қобилиятини тиклаш жуда муҳим ҳисобланади.

Таъмирланишга яроқлилик кўрсаткичлари сифатида тикланиш жадаллиги параметри μ , тикланиш эҳтимоли $F(t)$ ва тикланишнинг ўртача вақти $T_{\text{ўрт}}$ қабул қилинди. Бунда тикланишнинг ўртача вақти ишдан чиқишни аниқлаш $T_{\text{анқ}}$, ишдан чиққан жой ҳақида хабар етказиш T_x , таъмирлаш хизматининг етиб келиши T_k ва таъмирланишга кетган вақт T_T ўртача тикланиш вақтини ташкил этди. Тиклаш таъмирлаш ишлари статистик маълумотлари Украина Миллий сув хўжалиги университетида ишлаб чиқилган дастур асосида ишлов берилди ва унинг натижасида $T_{\text{ўрт}} = 169$ соат, $\mu = 0,0059$ ва $F(t) = 1 - e^{-0,0059t}$ лар аниқланди. Тикланишнинг ўртача вақти $T_{\text{ўрт}}$ - экспоненциал тақсимланиш қонуни, шунингдек уни ташкил этувчилар $T_{\text{анқ}}$, ва T_x -логнормаль, T_k -Лаплас-Шарлье, T_T -Релея тақсимланиш қонунларига бўйсиниши аниқланди.

Бетон каналлар, нов ва ёпиқ қувурлардан ташкил топган суғориш тармоғини жойлашиш схемасининг ишончилилик ҳисоби бажарилди. Бунда ишончилилик кўрсаткичи ҳисобида комплекс кўрсаткич-тайёрлик коэффициенти K_T қабул қилинди:

$$K_T = \frac{T_o}{T_o + T_{\text{ўрт}}}, \quad (4)$$

бунда $T_{\text{ўрт}}$ - тикланишнинг ўртача вақти; T_o - ишдан чиқмасдан ишлашнинг ўртача вақти, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T_o = \int_0^{\infty} t f(t) dt \quad (5)$$

бунда $f(t)$ — ишдан чиқмаслик эҳтимоли тақсимланишининг зичлиги.

Ишдан чиқмасликнинг ўртача вақти каналларнинг 1 км узунлиги ҳисоби бўйича қабул қилинди. Нов каналларининг участкасини ишдан чиқишини аҳамиятилилик даражасини аниқлаш учун оғирлик коэффициенти киритилади ва у ҳар бир участка каналини хизмат қиладиган майдони улушини ҳисобга олади.

Бажарилган ҳисоблар натижасида бутун тармоқнинг тайёрлик коэффициенти $K_T = 0,87$ га тенг бўлди ва у тавсия этиладиган қийматлардан пастлиги қайд этилди (Ц.Е. Мирцхулава, 1981). Ушбу бажарилган ҳисоблар асосида резерв киритиш зарурати ва дастлабки лойиҳада кўзда тутилмаган У-34а ва 4-К-2а қўшимча нов каналларини қуришга асос бўлиб хизмат қилди.


Айтиб ўтилган каналларнинг қурилиши тадқиқот қилинаётган тармоқ ишончли- лигини 3-4 % га ошириш ва сув билан таъминланганликни 7-10 % га яхшилаш имконини берди. Бажарилган ҳисоблар тайёрлик коэффициентини ишдан чиқишларни бартараф этиш ўртача давомийлиги билан боғлиқлигини аниқлаш имкониятини яратди, Бу боғлиқлик 7-расмда тасвирланган.

Графиклардан, ўртача тикланиш вақтини 24-48 соатга камайтириш тармоқ ишончилигини 3-5 % га ошириши кўриниб турибди.

“Фойдаланилаётган ирригация тизимлари гидротехника иншоотларини ишончлилик мезонларини аниқлаш ва хавфсиз ишлашини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш” номли 4 -бобда Угам ирригация тизими гидротехника иншоот ларини ишончилигини баҳолаш, ишдан чиқишлар шажарасини тузиш, ишдан чиқиш эҳтимолини аниқлаш, ишончилиқнинг мезонларини аниқлаш бажарилган, шунингдек чўкувчан грунтларда фойдаланишдаги ГТИ ишончилигини оширишда тавсиялар ва хавфсиз ишлашини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш. Бу мақсадларда Угам ирригация тизимида тадқиқот ишлари олиб борилди ва унинг асосида материалларни статистик ишлов бериш орқали иншоотлар ишончилиги таҳлил қилинди ва кўрсаткичлари аниқланди.

Тадқиқот услубияти эҳтимоллик назарияси ва ГТИ эксплуатацияси бўйича маълум тавсияларга асосланган.

Тадқиқотлар натижаларини самарадорлиги ирригация тизимлари ГТИ ишончилиқ мезонларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган услублардан



7-расм. Каналларнинг ҳисобий тайёрлик коэффициенти билан тармоқни ишдан чиқмаслик эҳтимоли ва тиклаш давомийлигига боғлиқлик графиги

иборат бўлиб, унинг асосида ГТИ деформациялари таҳлили бажарилди ва Угам ирригация тизими авария ҳолатини сценарийлари ишлаб чиқилди. Маълумки ирригация тизими мураккаб тизимдан иборат бўлиб, улар ўзаро боғланган элементлар (сув олиш иншоотлари, сув ташлаш тўғонлари, канал, дюкерлар, сув чиқариш иншооти ва ш.к) дан ташкил топган ва уларда рўй берадиган бузилиш, ишдан чиқишлар бутун тизимни яроқсиз ҳолга келтириши мумкин.

Ирригация тизимни ишончилигини баҳолаш мураккаб тизимни ишончилиқ назарияси асосида ўтказиш лозим ва у ишдан чиқишлар “шажараси”ни тузишга асосланган тасодифий омилларни ҳисобга олган параметрик ишончилиқ ечимларини синтез қилиниши билан

белгиланади. Ишдан чиқишлар шажарасини тузишда асосий ходиса натижалари (хўжаликлараро каналнинг ишдан чиқиши) билан сабаб-оқибат ва уни келтириб чиқарувчи базавий сабаблар ўртасидаги мантиқий алоқа ўрнатилади. Иншоотларнинг тузилган ишдан чиқиш шажаралари диссертацияда келтирилган.

ГТИ ишдан чиқишлар шажарасини тузиш учун авариялар ривож сценарийлари ва аварияга олиб келувчи сабаблар ва хатоликлар таҳлили асосида бўлади.

Ирригация тизимида ўтказилган тадқиқотлар ва бошқа тизимлардаги маълумотлар таҳлили сув олиш гидроузели хўжаликлараро канал иншоотлари бузилиши сценарийларининг турларини башорат қилиш имконини берди. ГТИ элементларини ишдан чиқиш имконини ўзгариш қонунияти график боғлиқликлар кўринишида ифода этилди ва иншоотларни вақтга нисбатан элементларини ишдан чиқиш боғлиқликлар графиклари диссертацияда келтирилган Ушбу боғлиқликлардан иншоотлар элементларини ишдан чиқиш эҳтимоли $F(t)$ ни тақсимланиши (узлуксиз тасодифий катталиқ сифатида) нормал қонунга бўйсиниши кўриниб турибди ва у қуйидаги формула билан ифодаланиши мумкин:

$$F(x) = e^{-\frac{(t-1)^2}{0,3183}} \quad (6)$$

бунда t – гидротехника иншооти элементининг хизмат қилиш муддати.

Эксперимент ва формула бўйича олинган ҳисобий маълумотларни таққослаш, шунингдек натура кузатишлари маълумотлари уларнинг етарлича мослигини кўрсатди ($C_v = 0,06$).

Фойдаланилаётган ирригация тизимини t вақт ичида ишдан чиқмасдан ишлаш эҳтимоли қуйидаги формула бўйича аниқланиши мумкин:

$$P_{ИТ}(t) = P_{СГЭ}(t) \cdot P_{ХАКЭ}(t) \cdot nP_{ДЭ}(t) \cdot mP_{СЧЭ}(t) \quad (7)$$

бунда $P_{СГЭ}$ - сув олиш гидроузелини ишдан чиқмаслик эҳтимоли;

$P_{ХАКЭ}$ - хўжаликлараро канални ишдан чиқмаслик эҳтимоли;

$P_{ДЭ}$ - дюкерни ишдан чиқмаслик эҳтимоли;

$P_{СЧЭ}$ - сув чиқариш иншоотини ишдан чиқмаслик эҳтимоли;

n ва m - тегишли равишда дюкер ва сув чиқариш иншоотларининг сони.

Тизимга кирувчи ҳар иншоотнинг ишдан чиқмаслик эҳтимоли уни ташкил этувчи элементлар ишончилигига боғлиқ. Агар сув олиш бўғини ёки хўжаликлараро канал ишдан чиқса бутун тизим ишдан чиқади, шунинг учун биринчи навбатда маъсулиятли иншоотларнинг ишончилиги юқори кўрсаткичларга эга бўлиши зарур.

Ирригация тизими ГТИ бошқа асосий ишончилиқ кўрсаткичларини хисоблаш учун акад. Ц.Е. Мирцхулава таклиф этган ҳисобий формулалардан фойдаланиш мумкин.

Каналлардаги иншоотларни ишдан чиқмасдан ишлаш ўртача вақтини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$t_p = \sum_{i=1}^n P_{kc}(X_i) \Delta t = \sum_{i=1}^n [1 - F(X_i)] \quad (8)$$

У холда тизимдаги барча ГТИ ларини t вақт ичида ишлаш ишончлилик коэффициентини:

$$R(t_0) = Ke^{-t_0/t_p} \quad (9)$$

бунда K – иншоотни ишга тайёрлик коэффициентини.

Угам ирригация тизими ГТИ ишдан чиқишлари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиб, энг катта ишдан чиқиш эҳтимоли сув олиш гидроузели $F(t) = 0,91$ ва хўжаликлараро канал $F(t) = 0,84$ бўйича, энг кичик эса тегишли равишда дюкерлар ва сув чиқариш иншоотлари $F(t) = 0,81-0,83$ га тенг эканлиги аниқланди. Бу ўтказилган натура тадқиқотлари ва эксплуатация хизмати маълумотлари билан таққосланади.

Угам ирригация тизими ГТИ ишдан чиқмаслик эҳтимоли ҳисоби тизимнинг эксплуатация даври давомида энг паст ишончлилик сув олиш гидроузелида, яъни $P(t) = 0,09$ эканлигини кўрсатди, шу боисдан унда зудлик билан тиклаш таъмирлаш ишларини ўтказиш талаб этилади.

